

“Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган ҳар бир мурожаат эътиборда

“Ўзстандарт” агентлиги ва тизим-ташкилотларида ҳар бир мурожаатни чуқур таҳлил қилишга ва унга амалий ечим топишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Агентлик томонидан барча мурожаатлар таҳлил қилиниб, қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Жумладан, 2020 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан 133 та ёзма, 279 та электрон ва 52 та оғзаки, жами 464 та мурожаатлар келиб тушди. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, мурожаатлар сони 2019 йилга нисбатан 123 тага ёки 26,5 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, натижа ва таҳлилларга кўра жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланган мурожаатларнинг 194 таси маҳсулотларни сертификатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш, 50 таси стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, 42 таси ўлчов воситаларини метрологик қиёслашдан ўтказиш, 51 таси маҳсулотларнинг сифатини ўрганиш, 15 таси синов лабораторияларини аккредитациядан ўтказиш ва қолганлари бошқа масалаларга тўғри келади.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича 210 та мурожаатлар бўйича тегишли чоралар кўрилиб, мурожаат эгалари қаноатлантирилди, 247 та мурожаат муаллифларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ тегишли тартибда тушунтиришлар берилди, 7 та мурожаатлар бўйича ҳозирги кунда тегишли ишлар олиб борилмоқда.